Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил 22 июнь ШАНБА № 51 (12583)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

## Вилоят ҳаёти

### ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИ

**Бўка туманидаги 7-мактабгача таълим муассасасида "Йилнинг энг яхши тарбиячиси" кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

Бошланғич гуруҳ тарбиячиси Нодира Умарова, кичик гуруҳ тарбиячиси Дилобар Шукурова ва ўрта гуруҳ тарбиячилари Зебо Қобилова ҳамда Сайёра Умаралиева тўртта шарт бўйича ўзаро куч синашдилар.

Билими, ташкилотчилиги, касб маҳорати, болаларга меҳрибонлиги, энг муҳими ўз касбига садоқатини намойиш эта олган Нодира Умарова танлов ғолиби деб топилди. У айни кунларда навбатдаги босқичга қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

**Карим МАВЛОНОВ.**

### БИТИРУВЧИЛАРГА АМАЛИЙ КЎМАК

**Бекобод тумани прокуратураси касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини иш билан таъминлашга, ҳаётда ўз ўринларини топишга амалий ёрдам бериш мақсадида педагогика коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказди.**

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган ярмаркада 5 та касб-ҳунар коллежидан 448 битирувчи иштирок этди. 35 та корхона вакиллари 262 та бўш иш ўринларини таклиф этдилар ва ёшларга маслаҳат ва тавсиялар бердилар.

Бўш иш ўринлари ярмаркасида 205 битирувчи корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари билан уч томонлама шартномалар тузишди.

**Каримқул БОБОҚУЛ ўғли.**

### ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНГ – КЕЛАЖАК ОБОДЛИГИНГ

**Оққўрғон туман ижтимоий-иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш коллежида туман ҳокимлиги, прокуратура ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.**

"Иш билан бандлигинг – келажак ободлигинг" шиори остида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида тумандаги бўш иш ўринлари мавжуд бўлган барча хўжалик субъектлари, корхона ва ташкилотлар, иш билан банд бўлмаган фуқаролар, хусусан коллеж битирувчилари иштирок этди.

Кўплаб ёшлар соҳалари бўйича иш ўринлари билан таъминландилар ҳамда мутахассислар, ҳуқуқшунослардан зарур йўл-йўриқ ва маслаҳатлар олишди.

**Умида ИСАЕВА.**

### ВИЛОЯТ КУБОГИ ОЛМАЛИҚЛИКЛАРДА

**Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича "Камолот" кубоги турнири вилоят босқичи ўтказилди.**

Шаҳар ва туман босқичларида 127 та жамоа финал йўлланмаси учун кураш олиб борди. Вилоят босқичи ўйинлари Олмалиқдаги "Динамо" ўйингоҳида бўлиб ўтди. Унда барча рақибларини мағлуб этган Олмалиқ шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи жамоаси ғолиб чиқиб, совринни қўлга киритди. Юқори Чирчиқ туманидаги мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи жамоаси иккинчи, Чиноз қурилиш ва иқтисодиёт коллежи жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Энди олмалиқлик ўқувчилар Жиззах вилоятида ўтказиладиган минтақавий босқичда вилоят шарафини ҳимоя қилади.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

## ЁШЛАРГА ЎРНАК БЎЛМОҚ БАХТИ

**Ангрен кон бошқармаси 2002 йилдан буён Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг таркибий бўлинмасига айланиб, ҳаракатдаги конбойитиш мажмуаси сифатида Кўчбулоқ, Қизил олма, Семғурон, Разведочний шахтаси ҳамда чиқинди омборига эга бўлган олтин ажратиб олиш фабрикаси, ёрдамчи ва муҳандислик таъминоти объектларини ўз ичига олади. Корхонанинг вазифаси қимматбаҳо металл таркибли маъданларни қазиб олиш, қайта ишлаб (бойитиб), концентрат чиқаришдан иборат. Бойитилган концентрат кейинги қайта ишлаш учун Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мис эритиш заводига етказиб берилади.**



Ангрен олтин саралаш фабрикаси кон бошқармасининг асосий бўлинмаларидан бири бўлиб, шахталарда қазиб олинаётган таркибида олтин бўлган маъданни қайта ишлайди ва бойитади. 1995 йилда фабриканинг иккинчи навбати ишга туширилгач, қайта ишлаш қуввати икки баробар ошди. 2002 йили комбинат таркибига киргач, флотация қилиш, маъдан тайёрлаш бўлинмалари реконструкция қилинди, майдалаш-шихталаш бўлинмаси ишга туширилди. Бу ҳам фабриканинг ишлаб чиқариш қувватини 20 фоиз ошириш, Қизил олма ва Кўчбулоқ маъданларини қайта ишлаш кўпайишига замин яратди.

Фабрика ишчилари тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва мис эритиш заводига юклаб жўнатиш, технологик меъёр ва параметрларга риоя қилиш, материалларни тежаш топшириқларини муваффақиятли бажаришмоқда. Жумладан, ўтган йили маъданни қайта ишлаш режаси 105,3, қимматбаҳо металларни ярим фабрикат ҳолида чиқариш 103,4 фоиз бажарилди.

– Фабриканинг асосий бўғинларидан бири технологик участка бўлиб, унда бевосита маъдан қайта ишланади ва бойитилади, – дейди фабрика тегирмон машинисти Ҳабибулла Жўраев. – Бу ердаги технологик схемаси маъданни майдалаш, концентратни флотация қилиш, қуюлтириш, фильтрлаш ва қуритиш жараёнларини ўз ичига олади.

Бу жараёнларда ишчилардан фильтрлаш технологияси ва аппаратлари, вакуум-насослари ва бошқа ускуналардан тўғри фойдаланиш, концентратларнинг хусусиятларини яхши билиш талаб этилади. Шу боис босим остида ишлаётган совутлардан, назорат ва созлаш асбобларидан тўғри фойдаланиш хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга экани янги ишга кираётган коллеж битирувчиларига биринчи кунданоқ тушунтириб борилади.

**СУРАТДА:** тегирмон машинисти Ҳабибулла Жўраев.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ҲОРДИҚ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

**Вилоят ҳокимлиги ҳамда "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди вилоят ваколатхонаси билан ҳамкорликда болаларни ёзги дам олдириш акцияси ўтказиляпти.**

12 июндан буён "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" шиори остида давом этаётган тадбир доирасида вилоят туман ва шаҳарларидаги 1650 нафар боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд, ногирон, етим ва кўп болали оилаларнинг фарзандларини пойтахтимиздаги сўлим гўшаларга, "Тошкентленд", Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғларига саёҳат қилдириш режалаштирилган.

– Саёҳатлар режага мувофиқ ҳафтада икки-уч марта уюштириляпти, – дейди вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Шуҳрат Насимов. – Мақсадимиз кўнгли ўксик болажонларнинг ёзги дам олиш кунларини мазмунли ўтказишдир.

Тегишли муассасалар тақдим этган маълумотларга қараганда шу кунгача Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Чиноз, Паркент, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ, Янгийўл туманларидан 800 га яқин бола ҳайвонот ва бошқа маданият ва истироҳат боғларига экскурсия қилдилар.

"Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" шиоридаги мазкур акция 13 августга қадар давом этади.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

**Бугун биз эришган ва эришажак юксак марралар, руҳ ва дил тантанаси, озод ва обод Ватанимиз манзаралари, аввало, истиқлол шарофатидандир. Шу боис халқимиз ҳар йили мустақиллик байрамини ўзгача шукуҳ, хуш кайфият билан кутиб олади. Муҳтарам Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти ва истиқлол берган улуғ неъматлар ҳақида республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Ғулом МИРЗАЕВ билан "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбири суҳбатда бўлди.**

## ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ – БЕБАҲО

– Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори мазмун-моҳияти ҳақида гапирганда, аввало, бир ҳақиқатни таъкидлаш жоиз, – деди Ғулом Мирзаев. – Яъни, неча минг йиллик кўҳна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги – ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган энг улуғ, энг азиз сана сифатида, кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолади. Шу маънода, энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллик кунини кенг нишонлаш истиқлол йилларида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеага, қутлуғ анъанага айланиб қолди.

Қарорнинг олдинги йиллардагидан фарқли жиҳатлари шундаки, Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Дастурида, аввало, қайси масалаларга алоҳида эътибор қаратиш, аҳоли ўртасида ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот ишларида қандай мавзуларни жонли суҳбат ва мулоқотларнинг асосий йўналиши деб белгилаш, мустақилликнинг қадр-қиммати ва аҳамияти ҳақида қандай муҳим мисолларга тўхталиш лозимлиги, барча соҳаларда эришган ютуқларимизни кенг оммага етказишга оид аниқ-равшан вазифалар белгилаб берилган. Таъкидлаш керакки, белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси ҳам аниқ ва тўла таъминланиши лозим. Бу галги улуғ айём Обод турмуш йилига тўғри келаётгани ҳам байрам тадбирларининг мазмун-моҳиятида теран акс этиши зарур, албатта.

Қарорда таъкидланганидек, Мустақиллик аввало, ҳуқуқдир.

Мустақиллик – эркин ва бахтли яшаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларини таъминлашнинг бош омили.

Мустақиллик – озод ва обод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини, ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғururини теран англаши учун чексиз ва буюк имконият.

Мустақиллик – биз қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти, миллий тараққиётимиз кафолати.

Қарорнинг устувор жиҳатлари ҳақидаги фикрларимизни мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, улуғ байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш доирасида халқимиз, ёшларимизнинг онгу шуурига Мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини, қадри ва баҳосини янада чуқур сингдириб боришимиз талаб этилади.

(Давоми 2-бетда).

## «ХОРИЖИЙ ФЕРМЕРЛАР БИЗДАН ЎРГАНАДИГАН КУНЛАР КЕЛАДИ»

### дейди Оққўрғон туманидаги "Покиза-М" фермер хўжалиги раҳбари Малик Каримов

Покизалик, ҳалоллик – омад, барака билан доимо ёнма-ён. М. Каримов хўжалигини номлашда шуни назарда тутган ва ният қилган бўлса ажабмас.

Яхши ният ярим мол, деганларидек, бугун "Покиза-М" нафақат вилоят, балки республикада оғизга тушган фермер хўжаликларидан. Аввало хўжалик кейинги йилларда анча йириклашди. Қолаверса, ҳосилдорлик кескин кўтарилди ва муҳими – барқарор. Фотомухбиримиз яқинда хўжалик далаларидан олиб келган суратлар ҳам кўрсатиб турибдики, бу йил ғўзасининг авжи айниқса баланд.

Биз фермер билан телефон орқали боғланиб, суҳбатлашдик.

**– Ҳозир фермерларнинг иши айни қайнаган пайт. Бир томонда ғўза озуқа ва сув талаб қиляпти. Иккинчи ёқдан ғаллага ўроқ тушди. Шу боис сизларни, ҳатто, телефонда бўлса ҳам чалғитиш ноқулай...**

– Хижолатга ўрин йўқ. Телефон аппаратини елкамиз билан қисиб, гаплашаверамиз, қўлимиз ҳам ишда бўлади. Ҳозир сувчиларнинг ёнида эдим. Сувни беш бармоқдай қилиб тараб бермасак, ғўза ё қонмайди ёки кўллаб кетиб, ривожи айнийди, айниқса, ҳосил тугунчаларига ҳам зарар етади.

**– Сизни иш буюриш, кўрсатма бериш билан қаноатланмай, аъзолари ёнига кириб, ўзи ҳам ишлайверади, қачон қарасангиз усти-боши чанг-чунг ҳолда далада, аъзолар орасида учратасиз дейишади. Рост экан-да...**

– Ҳа, энди ишламаган тишламайди-да. Сояпарварлик фермерга ярашмайди. Одамлари орасида аралашиб юрса, тажрибаси ошаверади. Ахир деҳқонлар айтишади-ку, йилдан йилнинг фарқи бор деб. Деҳқончиликда иқлим, об-ҳаво – ҳал қилувчи омил. Экинни шунга қараб пайпаслаймизда. Бўлмаса, айтган ҳосилимизни ололмаймиз.

**– Дарвоқе, суратларга қараганда, ғўзангизнинг ривожи бошқаларга нисбатан анча илдам, ҳосил ҳам шунга яраша бўлса керак?**

– Биз ҳар йили 35-40 центнер ўртасида ҳосил оламиз. Аммо бу йил қирқдан ошса ошадики, кам бўлмайди. Ҳозир 60 гектардаги ғўза кунда бир яшнаяпти. Кўчат қалинлиги меъёрида, гектарлар ҳам тўлиқ, яъни деҳқончилик маданияти ҳам жойида. Ғалламизни-ку, қўяверасиз. Ҳар йилгидек, 70 центнерлик хирмонни мўлжаллаб турибмиз. Умумий хирмонимиз 350 тоннадан кам бўлмайди. Давлат эҳтиёжлари учун шартномада белгиланган ғаллани топшириб олганимиздан сўнг қолгани 30 кишилик аъзоларимизнинг ризқ-насибаси.

**– Даромад ҳосилдорликка қараб бўлади. Айтиш мумкинки, аъзоларнинг кўнгли тўқ, кайфияти яхши. Айниқса, қўллари пул кўриб турса...**

(Давоми 2-бетда).

## Бугуннинг гапи



## ҒЎЗА ПАРВАРИШИДАГИ ДОЛЗАРБ ЮМУШЛАР

**Ғўза парваришида июнь ойи масъулиятли палла ҳисобланади. Бу йилги иқлим шароити агротехник тадбирларда нималарга эътибор беришни талаб этмоқда?**

Аввало, ғўза меъёрида ўсиши учун тупроқ юмшатиб турилиши керак. Ривожланишнинг турли даврларида қатор ораларини юмшатиш чуқурлиги ҳам ҳар хил бўлади. Июнь ойидаги культивацияда ғўзанинг ҳимоя зонаси 15-16 см.гача кенгайтирилади. Шу боис, культиваторнинг ишчи органини 14-16 см. чуқурликка ботадиган қилиб ўрнатиш лозим.

Ғўза тупроқ таркибидаги озуқани бутун ўсиш даврида ўзлаштириб боради. Шу боис, ўғитларнинг энг мақбул миқдори, бериш муддати, озуқа моддаларнинг ўзаро мутаносиблиги тўғри белгиланиши керак. Агар азотли ўғитлар кеч берилса, ҳам ҳосилдорлик, ҳам биринчи нав пахта камаяди.

Фосфорли ўғитлар унинг азот билан нисбатига қараб солинади. Шу кунларда ҳар килограмм тупроқда 15 мг. ҳаракатчан фосфор бўлса, ўсимлик гулга киришидан олдин фосфорли ўғитларнинг қолган қисмини солиш керак. Калийли ўғитлар йиллик меъёрининг ярми шудгорлашда берилган бўлса, қолган ярмини ғўза шонага кирганда солиш лозим.

(Давоми 2-бетда).

## ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ОЙЛИГИ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши аҳоли ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида 1 июндан 1 июлга қадар уюштирган "Гиёҳвандлик ва чекишга қарши курашиш ойлиги" давом этмоқда.**

Жойларда кенг қамровли тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этишда прокуратура ва ИИБ ходимлари, хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази ҳамда саломатлик марказлари вакиллари "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!", "Гиёҳвандлик ва ОИТС" мавзулари юзасидан семинар ва давра суҳбатлари ўтказмоқди.

Тадбир жараёнида ёшларга гиёҳвандликнинг асоратлари ва заҳарли оғу домига тушган кимсаларнинг аянчли қисмати ҳақида ҳаётий мисоллар асосида тушунтириш беriляпти.

**Шаҳло РАҲИМБЕРДИЕВА.**

## Тадбир



## ИЛҒОР ПИЛЛАКОРЛАРГА ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ

Оққўрғон тумани пиллакорлари шартномадаги 140 тонна ўрнига 148,4 тонна "кумуш тола" етиштирдилар. Туман ҳокимлигида бўлиб ўтган илғор пиллакорларни тақдирлаш маросимида илғорларга "Оққўрғонпилла" МЧЖ ҳамда "РосГренТех" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасининг музлаткич, гилам, рангли телевизор, чангютгич ва бошқа қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

– "РосГренТех" фирмаси уруғлик пилла ҳам етиштириб, келгуси йилда республикамиз пиллакорларига 60 минг қути "Ипакчи-1", "Ипакчи-2" навли ипак қурти уруғи тайёрлаб беради, - дейди фирма ҳосилоти Саидкамол Баҳромов.

**Ҳамид МУСОҚОВ.**

# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ – БЕБАҲО

**– Ҳар йилги байрам тадбирлари ўзгача маъно-мазмун касб этадиган шиор остида нишонланади. Бу йилгиси "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори асосий ғоя сифатида белгиланган. Бу ғоя замирида қандай маъно-мазмун, фалсафа мужассам?**

– Келинг, шиордаги айрим сўзларни таҳлил қилиб, унинг замирида қандай маъно борлигига эътибор қаратайлик.

**"Қадр-қиммат"** тушунчаси бугунги кунда юртимизда нафақат маънавий, балки юридик мазмунга ҳам эга. Яъни, Ўзбекистон фуқароларининг қадр-қиммати қонун ҳимоясида. Шу икки сўз бирлашиб, **"жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрин", "ўзгалар томонидан бўлган ҳурмат", "ҳеч нарсага сотиб олиб бўлмайдиган, яъни бебаҳо, қадрли, азиз"** деган чуқур тушунчаларни англатиб келмоқда.

Бошқача айтганда, шу пайтгача "Она Ватаним" деб, туғилиб-ўсган юртини онага қиёслаб келган халқимиз бугун шу пурҳикмат шиор тимсолида Ўзбекистонни ўз қадр-қимматига ҳам таққосламоқда. Демак, истиқлол йилларида юртдошларимизнинг қадр-қиммати шунчалик юксалган, ватанпарварлик туйғуси ҳам шунга мос даражада ўсган. Айнан Мустақиллик бермадими бу юксак қадр-қимматни халқимизга!?

**"Ифтихор"** – фахрланиш, ғурурланиш, шон-шараф ҳисси, дегани. Бугун мустақил Ўзбекистонимиз эришаётган ютуқлар, халқимиз забт этаётган марралар билан фахрланмай, ғурурланмай бўладими!?

Мухтасар айтганда, ушбу шиор кундан-кун чирой очаётган қишлоқ ва шаҳарларимиз, озод ва обод юртимиз қиёфаси, барқарор суръатларда ривожланаётган иқтисодиётимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, тотув ва баҳамжиҳат яшаётган барча миллатларнинг бахт-иқболи ва ёрқин истиқболини тўла мужассам этган.

Олдимизда турган муҳим вазифа – халқимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган мураккаб ва тарихий йўли, эришган улкан марра ва ютуқларимиз, юртдошларимиз дилидаги Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари тўла мужассамини топган ушбу даъват, ушбу эзгу ғоя шуурларга, дилларга нақшланишини таъминлашдан иборат, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

**– Мустақилликнинг илк йиллариданоқ тараққиётимизнинг "ўзбек модели" белгилаб олинди ва бу йўл энг тўғри ҳамда оқилона йўл эканини жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди. Мустақил тараққиётимизнинг асосий мақсади ва моҳияти эса "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган тамойилда ҳаётий ифодасини топди. Шу ўринда айни тамойилнинг моҳияти ҳақида тўхталсангиз.**

– "Инсон манфаати – ҳар нарсадан улуғ". "Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият". "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун". "Ҳамма нарса – инсон учун, унинг келажаги учун". "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон"...

Юртбошимиз мамлакатимиз давлат мустақиллигини қўлга киритиши арафасида ва истиқлол йилларида изчил илгари сурган, ҳаётимизга чуқур сингиб бораётган бундай эзгу даъват ва ҳаётбахш ғоялар замирида Инсон омилига юксак эътибор энг олий мезон сифатида ўз ифодасини топган. Шу тариқа "инсон ва давлат муносабатларида инсон манфаатлари устувор бўлиши шарт", "жамиятдаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш аввало инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилмоғи лозим", "инсон – ислоҳот учун эмас, ислоҳот – инсон учун хизмат қилиши керак" деган ғояларни тўла рўёбга чиқариш йўлида барча зарур шароитлар яратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил инсондир. **"Инсонпарварлик – бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир"** деб таъкидлайди Президентимиз.

**– Тарихий йигирма икки йил давомида одамларимизнинг онгу тафаккурида, маънавиятида қандай ўзгаришлар юз берди?**

– Маънавият соҳасида эришилган энг катта ютуғимиз халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгариб, янгича сифат ва мазмун касб этганидадир. Масалан, не-не буюк аждодларнинг ворислари эканини билиш, бу билан фахрланиш ҳуқуқидан маҳрум ҳолда ўсган авлодлар билан бугунги мустақиллик даври навқирон авлоди ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, ахир.

Яхши эслаймиз, бундан 22 йил олдин давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг истиқбол йўлини белгилаб берар экан, **"Ишонинглар, Ўзбекистоннинг келажаги албатта буюк бўлади!"** деган даъваткор сўзларни айтганларида, бундай улуғ мақсадга шубҳа билан қараганлар ҳам бўлган. Мана, бугун бу даъват ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўз ижобатини топганини ким инкор эта олади? Буни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалбида, онгу шуурида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга кучайиб бораётган ишончи тўла тасдиқлайди.

Юртдошларимизнинг маънавий дунёси юксалиб, ижтимоий фаоллиги ўсиб, дахлдорлик туйғуси кундан-кун кучайиб бормоқда. Бинобарин, юксак маънавиятли шахсни ҳеч ким енга олмайди, юксак маънавият қарор топган жамият эса ҳаргиз таназзулга юз тутмайди.

**– Президентимиз Қарорида белгиланган устувор вазифалар ижроси юзасидан республика Маънавият-тарғибот маркази қандай ишларни амалга оширишни режалаштирган?**

– Президентимизнинг Қарорини ўқиб, Истиқлолимиз қирраларини акс эттирадиган 20 дан ортиқ тарғибот-ташвиқот мавзусини белгилаб олдик ва тарғиботчилар учун қўлланмалар тайёрлашга киришдик. Марказнинг алоҳида дастурини ишлаб чиқаяпмиз. Албатта, мамлакат миқёсида тасдиқланадиган Дастурга таклифларимизни берамиз. Ҳамкор ташкилотлар билан қўшма дастурлар тузиш ҳаракатидамиз. Мустақиллик байрами тарғибот-ташвиқотини уч поғонали, яъни, республика, вилоят ва туман (шаҳар)лар босқичида олиб борамиз. Шу йўналишларда тарғибот гуруҳлари шакллантирилмоқда.

Мақсадимиз битта – қайси касб эгаси, қайси миллат ва элат вакили бўлмасин, барча юртдошларимиз ўтган даврда Ватанимиз қўлга киритган ютуқлар, эришган марраларда менинг ҳам муносиб меҳнатим, муносиб ҳиссам бор деб бошини баланд кўтариб, мағрурланиб гапирсин.

Ҳар биримиз **"Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!"** шиорини қалбимиздан чуқур ўтказиб, Мустақиллигимизнинг 22 йиллик қутлуғ байрамини ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик билан, юқори кайфиятда кутиб олайлик!

**Улуғбек АСРОРОВ суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



– Улар ҳар ойда канда бўлмай, нақд пулда маош олиб туришади. Ўртача 250 минг сўмдан айланади. Улушларига оладиган ғаллалари бунга кирмайди. Қолаверса, тақсимотдан олган буғдойларини сотишса – нақд пул бўлади, тегирмонда торттиришса, тайёр нон-ош. Тўй-ҳашамларини ўтказишади, ўғилларига иморат солишади. Деҳқонга яна нима керак?

**– "Покиза-М" йирик фермер хўжаликлари қаторига киради. Аммо, бундан буён йириклашишнинг ўзи камлик қилади. Ҳозир кўп тармоқли бўлиш ҳаракати бошланди...**

– Биз ҳам қараб турганимиз йўқ. Олти гектарли мевали боғ барпо этганмиз. Семеренко нав олма ва яна олхўри ҳосили сар-

# «ХОРИЖИЙ ФЕРМЕРЛАР БИЗДАН ЎРГАНАДИГАН КУНЛАР КЕЛАДИ»

хил бўлиб, жуда харидоргир. Энди ўзимиз етиштирадиган мевалар қайта ишланадиган замонавий цехлар қуриш режаларини тузаяпмиз. Бунгача боғларимиз ҳам анча кенгаяди, токи цех ишга тушгач, ташқаридан хом ашё сотиб олиб юрмайлик.

**– Асосан пахта ва ғалла етиштириб келган аксарият фермерлар энди чорвачиликка қўл уришаяпти. Сизларда ҳам шундай имкониятлар борми?**

– Бор бўлганда қандоқ! 100 бош қорамолга мўлжалланган молхона қурдик. Ҳадемай, чет элдан 33 бош зотдор сигир келтирамиз. Ҳаммаси келишилган, ҳужжатлаштирилган. Бошида асосан сут етиштирамиз. Кейинчалик насл олишни зооветеринария қоидалари асосида тўлиқ йўлга қўйиб олсак, новвос наслларни бўрдоқига боқишга ўтиб, гўшт етиштиришни бошлаймиз. Мўлжалимиз шундайки, икки йилда қорамол туёғи 100 бошга етади.

Ўн минг парранда боқиладиган паррандахонамиз битай деб қолди. "Тошкентпарранда" корхонаси билан расмий келишувимиз бор. Бир кунлик жўжалар олиб келиб, парҳез гўшт етиштирамиз.

**– Режани катта олибсизлар, қийналиб қолмайсизларми?**

– Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди. Мен ҳали мўлжаллаб қўйган ишларимизнинг ҳаммасини айтганим йўқ. Масалан, хўжалигимиз ҳудудида бир гектарга яқин ноқулай ташландиқ жой бор. Чамалаб кўрсам, сунъий кўллар ҳосил қилиб, балиқ боқса бўлади. Бу ҳам тайёр имконият.

Яна битта асосий гап қолди. Биз келажакда томат пастаси ишлаб чиқаришни қатъий мақсад қилиб қўйдик. Биринчидан, бу маҳсулотга талаб ҳеч қачон сусаймайди. Қолаверса, ҳамма имконият бор. Масалан, мўъжаз иссиқхона қуриб, унда фақат кўчат етиштириб, очиқ далага эксак, йилига 500-600 тонна помидор оламиз. Замонавий техника ва технологиялар ўрнатилган цех барпо этиш бугун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Шу тариқа помидор пастаси тайёрлаб, чиройли қадоқлаб сотишни йўлга қўйсак, яна битта даромадли тармоққа эга бўламиз.

Хуллас, ҳеч иккиланмай, қамровни кенгроқ оладиган даврлар келди. Юртбошимиз раҳнамолигида ҳукуматимиз барча имкониятларни яратиб бераяпти. Фермерлардан дадил ҳаракат лозим, холос. Қарабсизки, вақти келиб, чет эл фермерлари биздан иш ўрганадиган бўлишади.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўқув-қўлланма

# КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИГА ТУҲФА

**Ёш авлоднинг муносиб таълим-тарбия олиши, ҳар жиҳатдан етук, баркамол бўлиб вояга етишида мамлакатимизда жорий этилган ўн икки йиллик мажбурий таълимнинг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш, бу жараёнда, айниқса, ўқувчиларни замон талабларига жавоб берадиган дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар билан таъминлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.**

Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази кўмаги билан қисқа муддатда янги-янги ўқув адабиётлари тайёрланиб, таълим муассасаларига етказиб берилаётир. Яқинда Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриётида чоп этилган Тошкент Давлат аграр университети доценти З. Артукметовнинг "Қишлоқ хўжалиги асослари" ўқув қўлланмаси худди шундай хайрли ишлар сирасидандир.

Китоб коллежларнинг қишлоқ хўжалигини механизациялаш, ер тузиш ва ер кадастри йўналишлари бўйича таҳсил олаётган ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, давлат таълим стандартларига мувофиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этилган. Қўлланмада деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари кенг қамраб олиниб, асосий эътибор тармоққа татбиқ этилаётган замонавий технологиялар ҳамда ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш масалаларига қаратилган. Шунингдек, бўлажак мутахассислар келгуси фаолиятларида дуч келишлари мумкин бўлган кўплаб масалаларнинг оддий ва самарали ечимлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Масалан, парваришлаш, бегона ўтларга қарши курашиш, минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш, экинларни илмий асосланган ҳолда алмашлаб экиш, ерга ишлов бериш, тупроқ унумдорлигини ошириш йўриқлари, бошоқли, дуккакли, толали ва сабзавот экинларини етиштириш усуллари, чорва моллари, паррандаларни парваришлаш каби кўпгина жабҳаларда етарли маълумот, тавсия ва мушоҳадалар ўртага ташланган.

Ўқув-қўлланмада келтирилган амалий тажриба ва назарий машғулотларга оид материаллар мавзуни теранроқ ўзлаштириш имконини беради. Ҳар бир бўлим сўнгида илова қилинган мавзуга доир саволлар эса ўқувчининг ўзлаштиришини назорат қилиш ва мулоҳаза юритиш қобилиятини оширишга йўналтирилган.

**Хайрулла ШУКУРЛАЕВ, техника фанлари номзоди, доцент.**

Бугуннинг гапи

# ҒЎЗА ПАРВАРИШИДАГИ ДОЛЗАРБ ЮМУШЛАР

Ғўзага берилган маҳаллий ўғит микроорганизмлар ёрдамида парчаланиб, ҳосил бўлган карбонат ангидриди, тупроқдаги олдинги йиллари солинган фосфатнинг эришини кучайтиради, бинобарин ўсимлик уни анча кўп ўзлаштиради. Маҳаллий ўғитлар таркибидаги углерод яна микроорганизмлар томонидан қайта ишланиб, чиринди таркибига кирадиган мураккаб бирикмаларга айланади.

Тупроққа қанча кўп миқдорда маҳаллий ўғит солинса, чириши натижасида шунча кўп углерод ажралиб чиқади ва ўсимликнинг ҳаводан озиқланишига қулайлик яратади. 20-30 тонна ярим чириган гўнг солинган майдонда маҳаллий ўғит берилмаган далага нисбатан ҳосилдорлик 4-6 центнер юқори бўлади. Республикада тўпланаётган гўнг гектарига 5-6 тоннадан тўғри келади. Бу етишмовчиликнинг ўрнини бойитилган кўмир кукуни, фосфорит, ноанъанавий агроруда ва бошқалардан компостлар тайёрлаш орқали тўлдириш мумкин.

Ғўза ўсиш даврининг турли пайтларида озуқа моддаларни ҳам ҳар хил меъёрда истеъмол қилади. Чунончи, шоналашдан қийғос гуллаш давригача 24 фоиз, қийғос гуллаш пайтидан кўсак етила бошлагунгача 65 фоиз азот, фосфор, калий ўғитини ўзлаштиради.

Ғўзани суғоришда сувдан самарали фойдаланиш учун "шарбат" усулини қўллаш мақсадга мувофиқ. Чириган гўнг ғўзага озиқа бўлиш билан бирга, мульча вазифасини ҳам бажаради, сувнинг буғланишини секинлаштиради, намни узоқроқ муддат сақлайди.

Суғоришни культивация билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш катта аҳамиятга эга. Тупроқнинг юза қатламига майин, донадор қилиб ишлов берилса, намлик яхши сақланади.

Суғориш муддати ва меъёрини ҳудуддаги сув таъминоти даражаси, тупроқ хусусиятлари ва сизот сувлари чуқурлиги ҳисобга олиниб, белгиланади. Ўсиш даврида керагидан ортиқча сув ичган ғўза ҳосил тугунчаларини тўкиб юборади, ғовлайди ва ҳосил кеч пишади. Демак, ҳосилдорликни ошириш учун ғўзани маромида суғориш, яъни уни чанқатиб қўйиш ёки керагидан ортиқча суғормаслик зарур.

Ғўзага ишлов беришда тупроқ йирик кесакли бўлишига сира йўл қўймаслик керак. Бу ҳол намнинг буғланиб кетишига олиб келади. Яъни культивация текис чиққан майда кесакли далада нам нотекис, йирик кесакли майдонга қараганда 25-35 фоиз кам буғланади.

Суғоришда яна бир хусусиятга эътибор бериш керак. Ғўзада 12-13 та ҳосил шохи пайдо бўлганда, 25-30 та ҳосил тугунчалари ҳам пайдо бўлиб, энг эртапишар бу тугунчалардан умумий ҳосилнинг 75-85 фоизини ташкил этувчи кўсаклар етилади. Аммо июль ва август ойларида пайдо бўладиган 14-16 та ҳосил шохларидаги тугунчаларнинг 70-75 фоизи тушиб кетади. Шуни инобатга олиб, ғўзани биринчи, иккинчи ва кейинги суғоришларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Ренат НАЗАРОВ, республика Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш кенгашининг агротехника тадбирларини такомиллаштириш масалалари бўйича гуруҳ раҳбари, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоят ҳокими топшириқлари қандай бажарилаяпти?

# НАҲОТКИ, МЕВАНИ КАЛЛА-ПОЧАДАН ФАРҚЛАШОЛМАСА?

**Оққўрғон ЮНЕСКО ташкилоти назарига тушган кўплаб тарихий ва муқаддас қадамжолари, Қонқа тепалиги, Шоҳруҳия ёдгорлиги, Шомқори ота каби зиёратгоҳлари билан вилоятимиз туманларидан ажралиб туради. Юртимизга келган сайёҳлар бу ерларни ҳам зиёрат қилмай кетишмайди. Фикримизча...**

**Яқинда хизмат сафари билан туманда бўлганимизда дилни хира қиладиган бир қатор манзараларга ҳам дуч келдик. Ҳозир шулар ҳақида тўхталсакда, сўнг юқоридаги фикрларимизни ўз ўрнида давом эттирсак.**

– Шу ердами?

– Ҳа.

– Яратилган шароит шуми?

– ...

Бу ерда расталар тартибсиз десак, гигиена қоидаларига ҳам амал қилинмас экан.

Ҳолатга жиддий ёндашиш, уни ўрганиш ва таҳлил қилиш фикри келиб, калаванинг учини топгандай бўлдик. Балиқ бошидан... нақлига амал қилиб. Оққўрғон тумани давлат солиқ инспекцияси ташкил этган бозор маъмурияти биносига бордик. Соат кундузги тўртларга яқинлашган, идорада эса ҳеч ким йўқ. Эшик қулф эди. Ваҳоланки, пештоқига иш вақти соат 8:00 дан 17:00 гача деб аниқ ёзиб қўйилган.

Шу атрофдаги сотувчилардан бозор мутасаддилари қаерга кетганликларини сўрадик. Улар бозорқўмлар тушлик пайтигача шу ерда бўлганлари, кейин кетишганини айтишди...

Мамлакатимиз тарихий ва замонавий сайёҳлик марказлари билан дунё ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлиб бормоқда. Шунинг учун юртимизга минглаб сайёҳлар келишади. Фикримизча, улар мавжуд осориатиқаларни кўриш, ўрганиш билан бирга, аҳоли турмуши, маданияти, иқтисодий аҳволи, атроф-муҳитга муносабатига ҳам қизиқишади, албатта. Шу мақсадда аҳоли гавжум ерлар ва албатта бозорларга ҳам боришади. Боиси, юрт маъмурчилиги ва аҳолининг қандай яшаётганлиги ички бозорлардаги маҳсулот олди-сотдисига қараб ҳам белгиланади. Шундай экан, бозорлар озода, саранжом-саришта, кўзга ярқ этиб ташланиб, киши дилини хира қиладиган нохуш манзаралар, тартибсизликлардан мутлақо ҳоли бўлиши керак.



Оққўрғон туман деҳқон бозорига кираверишдаги автоуловларнинг тартибсиз жойлашгани эътиборимизни тортди. "Оққўрғон – Тошкент", "Оққўрғон – Янгийўл" йўналишида қатнайдиган "ISUZU" ва йўналишли такси ҳайдовчиларига "Бозор яқинидаги шоҳбекатда турсанглар бўлмайдими?" мазмунидаги савол билан юзландик. "Дамас" ва "ISUZU" ҳайдовчилари бозор ҳудудида бундай бекат йўқлигини айтишди.

– Йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпи шу вазият сабабли содир бўлади, – дейишди улар. – Тўхташ жойи ажратишларини сўраганимизда, режада борлигини айтишганди. Бунгаям уч йилча бўляпти. Лекин аҳвол ҳалиям шу. Бозорга келувчиларнинг биз билан иши йўқ.

Уловини шундоққина йўл юзига қўйиб, бозорга кириб кетаётган ҳайдовчини тўхтатиб:

– Нега уловингизни бу ерга қўйяпсиз? Махсус тўхташ жойи йўқми? – деб сўрадик.

– Бозор Сегизбоевдан кўчиб келганидан бери шу ердан харид қиламан, – дейди ҳайдовчи. – Лекин, шу пайтгача ҳеч қанақа стоянка-пистоянкани кўрмадим.

– Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари назорат қилишмайдими?

– Фақат дам олиш кунлари. Билишимча, улар жуда эътиборсиз. Бўмасам машиналар туриши мумкинмаслигини билдирадиган белги қўйишган бўлишарди.

Шунақаси ҳам бўлар экан-да, деганча, бозорнинг асосий эшигидан ичкарига кирдик. Очиғи, бу ердаги аҳвол кўчадагидан сира қолишмайди. Маҳсулотларнинг турига қараб ажратилган расталарда мутлақо бошқа нарсалар сотилаётган экан. Хусусан, пештоқига "Нон ва нон маҳсулотлари" ёзилган қаторда қуруқ ва ҳўл мевалар, болалар ва катталар кийими, ширинликлар, "Қандолат маҳсулотлари" бўлими бўм-бўш, "Мевалар"да эса мол-қўй ичаклари, "Сут ва сут маҳсулотлари" растасида озиқ-овқат ва бошқа ашқол-дашқоллар сотилаётганининг гувоҳи бўлдик.

Одатда деҳқон бозорларида маҳсулотлар турига қараб, алоҳида-алоҳида жойларда сотилишига кўзимиз ўрганган, ўзимиз кўникканмиз. Қолаверса, бундай тартибни жорий этишдан мақсад харидорга қулайлик яратиш, қўлидаги бозор халта билан раста-маа-раста тентираб юришининг олдини олишдан иборат. Бу ердаги аҳвол эса...

Эътирозларни четга суриб, сотувчиларни суҳбатга тортдик:

– Сут растасида гуруч, мош, макарон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сотяпсиз, сутчилар қайси бўлимда?

– Улар дам олиш кунлари чиқишади. Қолган кунлари бўш. Улар ўрнида кунига жой ва тарозга олти минг сўм патта тўлаяпмиз.

– Бунга бозор маъмуриятининг муносабати қандай?

– Улар эрталаб келиб, тушгача пул йиғиб кетишади, ишимизга аралашишмайди. Бемалол тирикчилигимизни қилишимизга рухсат беришади...

– Сутчилар чиққан куни буларни қаерда сотасиз?

– Ерда.





Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Наҳот, туман мутасаддилари буни билишмаса? Уларга зиммаларидаги вазифаларини эслатиб, муаммоларни кўрсатиб туриш шарт бўлса?

**Бекзод ҲИДОЯТОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**Муаллиф олган суратлар.**

Маҳалла – ота-онанг

# КЕЛИШИБ ТУЗИЛГАН ОИЛА БУЗИЛМАЙДИ

**Оҳангарон шаҳри Аҳмад Яссавий маҳалласидаги кўчаларнинг озода ва саранжом-саришталиги, ариқ лабидаги гуллар киши кўзини қувонтиради. Йўл четларига яқинда экилган терак, мевали ва манзарали дарахтлар ажиб манзара касб этган.**



Маҳалла аҳолисининг деярли ярми ёшлар. Уларнинг аксарияти маҳаллада аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатаётган сервис ва хусусий корхоналарда ишламоқда.

– Ҳар йилнинг бошида маҳалла фаоллари билан бамаслаҳат йиллик дастур тузиб, изчил бажарамиз, – дейди маҳалла маслаҳатчиси Марҳабо Юнусова. – Аҳоли ўртасида "Энг обод хонадон", "Энг кўркам йўлак", "Энг саришта қиз", "Энг маънавиятли оила" танловларини тез-тез ўтказиб турамиз. Бу турмуш қуриш ёшидагилар онгида оила деган тушунча шаклланишига туртки бўляпти.

Эрта турмуш қурган ёш оилаларнинг бирга яшаб ёки ажралиб кетишида маҳалланинг, айниқса, фаолларнинг роли катта. Шуни ҳис қилган ҳолда турмуш қуриш остонасида турган, ФҲДЁ бўлимидан рўйхатдан ўтиш мақсадида тураржойдан маълумотнома сўраб келган икки ёш билан бирга ёки алоҳида суҳбатлашамиз. Қуда бўлмишларнинг тўй қилиш имконияти, бир-бировига муносабатини эътиборга оламиз. Икки ёшнинг оила қуришга ҳар жиҳатдан тайёрлигига ишонч ҳосил қилгачгина маълумотнома берамиз.

**Акром МАҲМУДОВ.**

**СУРАТДА:** Марҳабо Юнусова маҳалла фаоллари билан.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Тиббий кўрик

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

**Аввал хабар қилинганидек, 3 июндан бугунга қадар "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида фуқароларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш ва хасталиги аниқланганларнинг соғлигини тиклаш давом эттирилди.**



Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари ҳамда тиббий олий ўқув юртларининг етакчи олим ва юқори билимга эга шифокорлари қатнашган ушбу тадбир вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида изчил кечди.

– Шу кунга қадар мингдан зиёд шаҳар ва туманликлар тиббий кўрикдан ўтказилди, – дейди Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Бахтиёр Эрлақабов. – Бунинг учун алоҳида жойлар ажратилиб, тегишли тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Мутахассисларга қулай иш шароитлари яратиб берилди.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

# БАРЧА БИРДЕК МАСЪУЛ

**Ёнғин хавфсизлиги ходимлари жойларда ўтказаётган турли тадбирлардан мақсад аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш, уларга қатъий риоя этиш ва ёнғиннинг олдини олишга эътибор қаратишдан иборат.**

Ёнғинга қарши курашиш фақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" шиори ҳар бир фуқаро, оила, корхона ва муассаса жамоасига тааллуқли. Шу боис, аҳолига ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, чунончи, очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш, қўлбола асбоблардан фойдаланмаслик, белгиланган жойлардагина чекиш зарурлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз. Ушбу қоидаларга ҳар доим риоя қилиб борилса, йиллаб тўпланган мол-мулк ва уй-жойни, энг муҳими яқин кишиларимиз ҳаётини асраб қолган бўламиз.

**Музаффар БОЙСАРОВ, 9-ҲЁХО 13-ҲЁХ алоҳида пост кичик сержанти.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖда 2012 йил 20 майдан 2013 йил 20 июнгача ўтган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Кўчмас мулк номи ва манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 27.05.2013 | Зангиота тумани СИБ | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 97-сонли савдо дўкони | 59 786 144 | 62 500 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 50-сонли савдо дўкони | 25 074 040 | 26 300 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 5-сонли савдо дўкони | 11 715 818 | 12 400 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 2-сонли савдо дўкон, 2-блок | 67 847 400 | 72 100 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 3-сонли савдо дўкон, 3-блок | 62 490 839 | 65 500 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 2-қаватли 85-сонли бино: 1-қавати савдо дўкони, 2-қавати ҳожатхона | 63 662 291 | 66 700 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 2-қаватли 86-сонли бино: 1-қавати савдо дўкони, 2-қавати ҳожатхона | 58 307 519 | 61 100 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 6-сонли савдо дўкон, 6-блок | 79 372 018 | 83 000 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 7-сонли савдо дўкон, 7-блок | 76 270 753 | 79 900 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган 14-сонли савдо дўкони | 14 034 054 | 14 760 000 |
| 14.06.2013 | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 25.09.2012 й. № 27038/25-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Муса Жалил кўчаси, 118-уй | 535 401 491 | 570 510 000 |
| 18.06.2013 | Қибрай тумани СИБ | Қибрай тумани СИБ томонидан 27.05.2010 й. № 153/10-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тузель қ.ф.й., СВТ 19-уй | 61 920 823 | 65 645 000 |
| | | Қибрай тумани СИБ томонидан 28.04.2009 й. № 6399-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ўнқўрғон қ.ф.й., Ғунча кўчаси, 42-уй | 429 477 522 | 455 280 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.

**"SPARETRA" МЧЖда 2013 йил 20 майдан 2013 йил 20 июнгача ўтган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 23.05.2013 | Зангиота тумани СИБ | 1979 й. "Газ 2410" д.р. 11 Y 3171 | 970 665 | 1 040 000 |
| 27.05.2013 | Бектемир тумани СИБ | 2009 й. и.ч. "Нексия" д.р. 01 H 001153 | 23 000 000 | 24 380 000 |
| 03.06.2013 | Қибрай тумани СИБ | 2009 й. и.ч. "2 ПТС 4 4793 А" д.р. сиз | 3 745 058 | 3 975 000 |
| | Шайхонтоҳур тумани СИБ | 2012 й. и.ч. "Спарк" д.р. 01 W 724 KA | 22 854 150 | 24 420 000 |
| | Қибрай тумани СИБ | 1973 й. и.ч. "Газ 51" д.р. 11 I 0795 | 734 765 | 780 000 |
| | | 1990 й. и.ч. "Т-28Х4МС 101" д.р. сиз | 2 995 976 | 3 180 000 |
| | | 1989 й. и.ч. "2 ПТС 4793 А" д.р. сиз | 988 295 | 1 050 000 |
| | | "Зил 131" д.р. сиз | 6 196 031,3 | 6 575 000 |
| | | 2006 й. и.ч. "Нексия Донс ГБАСНГ" д.р. 75 W 084 AA | 19 771 970 | 20 980 000 |
| 04.06.2013 | Чилонзор тумани СИБ | 2011 й. и.ч. "Матиз Бест" д.р. 01 N 597 HA | 20 000 000 | 21 200 000 |
| | Миробод тумани СИБ | 1994 й. и.ч. "Ваз 21061" д.р. 01 U 206 HA | 7 816 082 | 8 300 000 |
| | | 2010 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 O 966 FA | 18 050 620 | 19 170 000 |
| | | 2006 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 B 498 AA | 14 200 000 | 15 055 000 |
| | | 2006 й. и.ч. "Нексия" д.р. 18 P 9008 | 21 444 270 | 22 740 000 |
| 10.06.2013 | Бектемир тумани СИБ | 2010 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 A 406 GA | 16 000 000 | 16 750 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 2009 й. и.ч. "Нексия" д.р. 10 906 DAA | 17 350 000 | 18 400 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 1977 й. и.ч. "Уаз-452А" д.р. 11 T 9673 | 740 295 | 790 000 |
| 17.06.2013 | Оҳангарон тумани СИБ | 2008 й. "Матиз" д.р. 01 E 547 AA | 13 022 140 | 13 820 000 |
| | Бекобод тумани СИБ | 1990 й. и.ч. "Камаз 53212" д.р. 10 A 245 BA | 12 360 653 | 13 115 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан Бекобод шаҳри, Аббосова кўчасида жойлашган цемент омборхонаси ва унинг ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 73 300 259 сўм. 2. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 18.03.2013 й. № 898-сонли ижро ҳужжатига асосан Бекобод шаҳри, 3-даҳа, 5-уй, 4-хонадон. Бошланғич баҳоси – 26 712 650 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 8 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, ИНН 207125885. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: (+99871) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

Яккасарой тумани инспекцияси томонидан 2012 йил 11 июлда 11-03440-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 503042454) KADIROVA DILDORAXON KARIMOVNA якка тартибдаги тадбиркорнинг гувоҳномаси (патент) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа туманидаги "GANESHA TRADE" МЧЖнинг бурчак тамғаси йуқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Оққўрғон тумани ҳокимлиги томонидан 2011 йил 12 декабрда 195-1656 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ISFANDIYOR-MOBILE" (ИНН 301571136) МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ** (21.06.2013 йилдаги қарор).

2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Тошкент солиқ коллежи томонидан 0388 рақами билан рўйхатга олинган Ҳамдамов Бектош Ҳамид ўғли номига берилган К № 2704364 рақамли дипломга тегишли бўлган илова йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ ким ошди савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и.ч. "ДТ-75" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 4 755 263 сўм. Зафар қурилиш инвест МЧЖ омборида сақланмоқда. 2. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 23.07.2012 й. № 7692-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и.ч. "Москвич 2140" д.р. 11 V 5694. Бошланғич баҳоси – 483 417 сўм. 3. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и.ч. "Уаз-452" д.р. 11 L 4829. Бошланғич баҳоси – 439 491 сўм. 4. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 06.05.2010 й. № 5446-сонли ижро ҳужжатига асосан 1971 й. и.ч. "М-412" д.р. Ж91-91ТШ. Бошланғич баҳоси – 122 043 сўм. 5. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 19.03.2010 й. № 1618-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. "Заз-968-М" д.р. 11 S 1813. Бошланғич баҳоси – 54 609 сўм. 6. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 25.02.2010 й. № 850-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. и.ч. "М-412 ИЭ" д.р. 11 G 4538. Бошланғич баҳоси – 168 605 сўм. 7. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.02.2012 й. № 3916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. "ИЖ 21-25" д.р. 11 I 2296. Бошланғич баҳоси – 414 072 сўм. 8. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.02.2012 й. № 3912-сонли ижро ҳужжатига асосан 1969 й. и.ч. "Газ-21" д.р. К3894ТШ. Бошланғич баҳоси – 409 808 сўм. 9. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.02.2017 й. № 3916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и.ч. "Ваз-21-02" д.р. 11 P 6347. Бошланғич баҳоси – 398 313 сўм. 10. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 01.08.2011 й. № 7916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и.ч. "Москвич" д.р. 10 F 897 DA. Бошланғич баҳоси – 332 014 сўм. Бекободсавдо МЧЖ омборида сақланмоқда. 11. Бўка тумани СИБ томонидан 05.09.2011 й. № 391-сонли ижро ҳужжатига асосан "Опел" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 3 973 998 сўм. 12. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 18.03.2009 й. № 1-25-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и.ч. "М 412 ИЭ" д.р. 11 Z 8304. Бошланғич баҳоси – 485 207 сўм. 13. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 25.08.2009 й. № 220/2009-сонли ижро ҳужжатига асосан 1974 й. и.ч. "Ваз 2101" д.р. 11 A 0487. Бошланғич баҳоси – 542 659 сўм. 14. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 20.06.2010 й. № 158-2010-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и.ч. "Газ 2417" д.р. 11 M 0152. Бошланғич баҳоси – 873 864 сўм. 15. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 13.11.2012 й. № 1-257-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и.ч. "М 412 ИЭ" д.р. 10 X 213 AA. Бошланғич баҳоси – 842 031 сўм. Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент 2, Мариам Текстил Сервис МЧЖ жарима майдонида сақланмоқда. Кимошди савдоси 2013 йил 08 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 16. Охангарон тумани СИБ томонидан 20.10.2011 й. ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. "Нексия" д.р. 01 B 562 FA. Бошланғич баҳоси – 18 887 546.80 сўм. Оҳангарон тумани, Оҳангарон Раҳмонтранссервис майдончасида сақланмоқда. 17. Чилонзор тумани СИБ томонидан 23.11.2012 й. № 2-113/2012-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. "Нексия" д.р. 30 Y 5007. Бошланғич баҳоси – 24 771 745.20 сўм. Spase Arsenal Servis МЧЖда сақланмоқда. 18. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2012 й. № 1-985/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и.ч. "Ласетти" д.р. 60 151 JAA. Бошланғич баҳоси – 47 566 993 сўм. Чилонзор тумани ЖИБ суди ҳовлисида сақланмоқда. 19. Миробод тумани СИБ томонидан 29.04.2013 й. № 11241/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 2003 й. и.ч. "Iran Khodro Peugeot" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 12 628 000 сўм. Файзиобод ТИФ божхона постида сақланмоқда. Ким ошди савдоси 2013 йил 22 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Кимошди савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш кимошди савдоси кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Кимошди савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004887305001, МФО 00425, ИНН 301829604. Кимошди савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: (+99871) 212-89-55.





## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4453-сонли фармонига асосан микрофирмалар томонидан статистик ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ўзгартирилди, яъни 2013 йил 1 январдан бошлаб йилда бир маротаба ҳисоботларни тақдим этилиши белгиланди. Бунда статистика органлари ҳар чоракда тегишли фаолият йўналишлари ва соҳалари бўйича танланма ўрганишлар (кузатувлар) ўтказади.**

Микрофирмаларда танланма кузатувлар – бу статистик кузатув бўлиб, статистика органлари томонидан микрофирмаларнинг бир қисмида ҳар чораклик сўровлар ўтказиш натижалари асосида, барча микрофирмалар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида хулосалар тайёрланади.

Микрофирманинг танланма кузатуви (МФК) сўровномасини тўлдириш бўйича методик қўлланма Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилди ва 2013 йил 1 мартдан бошлаб кучга кирди.

МФК сўровномасини тўлдирувчилар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги "Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 439-сонли қарорига мувофиқ фаолият тури ва ўртача йиллик ишчилар сонига қараб танланади. Классификацияга биноан микрофирмаларда ўртача ишчилар сони қуйидагича:

– саноат ва қурилиш соҳаларида – 20 кишигача;
– қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – 20 кишигача;
– фан ва илмий тажриба соҳаларида – 10 кишигача;
– ноишлаб чиқариш соҳасида – 10 кишигача;
– хизмат кўрсатиш соҳасида – 10 кишигача;
– чакана савдода – 5 кишигача.

Микрофирманинг танланма кузатуви сўровномаси корхона раҳбари, етакчи менежери ёки бош ҳисобчиси томонидан статистика органи кўрсатган давр учун жорий йил бошидан бир марта тўлдирилади.

Кузатувга тушган микрофирмалар ўз жойидаги туман, шаҳар статистика бўлимига ҳисобот даври охирги ойининг 30 санасидан кечиктирмай "Микрофирманинг танланма кузатуви сўровномаси"ни тўлдирилган ҳолда тақдим этиши лозим.

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси.**

Утерянный аттестат АУ № 325950, выданный в 16 июня 1993 году школой № 301 Сергелийского района, г. Ташкента на имя Махамаджанова Ильхама Муродовича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО "STANDART SIFAT SAVDO" (ИНН 302328768), зарегистрированное ИРСП Сергелийского района за реестровым № 003490-06, почтовый адрес инспекции: ул. Сугдиёна-1, почтовый адрес общества: ул. Янги Сергели-2, объявляет об уменьшении уставного фонда с 556 000 000 сум до 377 796 250 сум.

Претензии принимаются по телефону: 144-19-00.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "AMETIST-WINALITE" МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 26.11.2012 йилда гувоҳнома рақами № 1010199 билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Лим Марина Алексеевна номига тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## Одамийлик шеваси



# ДЎСТ САБОҒИ

Йўл тасодифларга тўла. Тошкентдан Ангренга отланганимда қош қорайиб қолганди. Бекатга келиб тўхтаган "Дамас" водийга кетишини айтди. Ангренда ташлаб кетишини илтимос қилиб, чиқдим. Орқа ўриндиқлардан уч-тўрт водийлик аёллар қўним топишди.

Ҳайдовчи мўйсафидгина экан, йўловчиларни зериктирмаслик учун маърифий ривоятлардан ҳикоя қилиб борди. Ҳамма жон қулоғи билан тинглар, фикрларини тасдиқлаб қўйишарди. Ўзаро меҳр-оқибат, дўстга хиёнат ва садоқат ҳақида сўз бораркан, ҳайдовчи отасидан эшитган бир ривоятни сўзлаб берди. Уни сизларга ҳам илингим келди. Чунки ривоятда тузу нон ҳақини оқлаш ғоят муҳим шартлардан экани, дўстликни имкон қадар сақлаб қолиш лозимлиги уқтирилганди.

Айтишларича, икки қалин дўстнинг бири кундан кунга бойиб бораверибди. Иккинчиси анчайин қийналиб яшар экан. Кунлардан бир куни иши юришиб кетган йигит ўз хонадонига дўстини чақириб: "Кел, биргаликда тирикчилик қилайлик, сен ҳам оёққа туриб ол, шунда мен ҳам хотиржам бўламан. Ахир, болаларинг улғайишяпти. Уларнинг харажатлари янада ортади, қийналиб қоласан" дебди. Иккинчи дўст ундан мамнун бўлиб, таклифини жон деб қабул қилибди. Ўша куниёқ дўстиникида тунаб қолиб, ишга киришиб кетибди. Бир муддат дўстининг уйида яшаб, бирга ишлаб юриб, ўзи ва оиласининг моддий аҳволини анча тиклаб олибди.

Кунлардан бир куни оиласидан олисда юрган эркак дўстининг покдомон хотинига кўз олайтира бошлабди. Бир-икки марта тегажоғлик ҳам қилибди. Бунга чидолмаган хотин эрига дўстининг кўрнамаклигидан нолиб, кирдикорларини фош қилибди. Дили озор топган эр узоқ ўйлаб, хотинига: "Кел, бир иш қилайлик, зора дўстимга инсоф бериб қолса. Унга айт, мен таклифингизга розиман, фақат қирқ кун ибодат қиласиз, кейин ҳамма истагингиз муҳайё бўлади, десанг бас деб ўргатибди. Эрининг кутилмаган таклифидан карахтланган хотин ўзини йўқотиб, "ахир, қандай қилиб..." деганча қолибди.

Аммо оқил ва доно эрининг мақсадини тушуниб, у ўргатганидек иш тутибди. Дўсти атиги шугинами, дея беш маҳал ибодат қилишга тушиб кетибди. Қирқ кун ҳам ўтибди. Ваҳимага тушган хотин қирқ биринчи куни қараса, эрининг дўсти йўқ эмиш. У тонг саҳарлаб нарсаларини йиғиштириб, ғойиб бўлибди. Шунда аёл унинг тоат-ибодат асносида ўз хатосини тушуниб етганини англаб, эрининг оқиллигига яна бир бор тан берибди.

Ибодат туфайли имонга кирган ва кўзи очилган эркак эса шу-шу қорасини кўрсатмаган экан.

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА.**

## Бу – қизиқ

# ТУНДА НЕГА УХЛАЙМИЗ?

Уйқу энг яхши дам олиш усулидир. Қаттиқ меҳнат, толиқишдан кейин одам мириқиб ухлаб олса, барча чарчоқлар йўқолади. Ухлаб тургандан сўнг, ўзимизда янги куч-қувват пайдо бўлганини сезамиз. Бироқ меъёридан ортиқ ухлаш ҳам зарар. Танада эринчоқлик, ланжлик пайдо бўлади, қовоқлар шишади. Ҳаракатланмаган танада қон айланиши сусаяди, натижада, турли касалликлар келиб чиқади.

Инсон ўз ҳаётининг чорак, яъни тўртдан бир қисмини уйқуда ўтказиши лозим. Бу шартни бажармаган одам охир-оқибат бир дунё дардни орттириб олиши мумкин. Эндокринологик, юрак қон-томир, ошқозон-ичак хасталикларидан тортиб, ҳатто руҳий ва онкологик касалликларга мубтало бўлади.

Нега? Жавоб оддий: инсон танаси ҳордиқ олишни, "таъмирлаш, созлаш ишлари"ни талаб этади. Табиат қонунига кўра, бу жараён тунда юз беради. Шу сабабли кундузги дам олиш ҳеч қачон тунги уйқунинг ўрнини тўла-тўкис боса олмайди.

Оқшом ва тонг пайти ички аъзоларимизда нималар содир бўлишига эътибор беринг:

Соат 22. Қонда лейкоцитлар (оқ қон таначалари) икки баробар ортади. Шу орқали иммун тизими текшируви ўтказилади. Асабларимизга ухлаш пайти бўлганлиги ҳақида биологик белгилар кела бошлайди.

Соат 23. Тана янаям кучсизланади ва ҳар бир ҳужайрада қайта тикланиш жараёни бошланади.

Соат 24. Онгимизда туш кўришга мойиллик ҳолати кечади. Миямиз эса кун бўйи қабул қилинган ахборотларни тартибга келтиришда давом этади.

Соат 1. Уйқумиз жуда сезгир бўлади. Вақтида даволанмаган тиш ёки қачонлардир жароҳат олган тиззамиз зирқираб оғриётгани сабабли уйғониб кетамиз. Эрталабгача оғриқдан ухлай олмаслигимиз ҳам мумкин.

Соат 2. Барча аъзоларимиз дам олади. Фақат жигаргина танада тўпланиб қолган хилтларни тозалаш билан овора бўлади.

Соат 3. Физиологик жараён бутунлай сусаяди. Қон босими паст даражага тушади. Томир уриши ва нафас олиш секинлашади.

Соат 4. Мия қон билан энг кам миқдорда таъминланади ва уйғонишга тайёр бўлмайди. Аммо эшитиш қобилияти ҳаддан ташқари кучаяди, тиқ этган товушдан уйғониб кетиш ҳеч гапмас.

Соат 5. Буйраклар дам олади, мушаклар мудрайди. Организм уйқудан туришга тайёрлана бошлайди.

Соат 6. Буйрак усти безлари қонга адреналин ва бошқа гормонларини чиқара бошлайди. Бу эса қон босими кўтарилишига, юрак уришининг тезлашишига олиб келади. Гарчи онгимиз уйғоқ бўлсада, танамиз уйғонишга ҳозир бўлади.

Соат 7. Иммун тизими жуда яхши ишлайдиган давр. Бу пайтда бадантарбия билан шуғулланиш катта фойда беради. Дори-дармон қабул қилинса, бошқа вақт ичгандагига қараганда яхшироқ таъсир кўрсатади.

Уйқу нафақат меъёрий, балки сифатли ҳам бўлиши лозим. Хотиржам ва чуқур уйқуга кетиш танадаги ички жараёнларнинг тўлақонли кечишига шароит яратиб беради.

Мутахассисларнинг аниқлашларича, ер юзи аҳолисининг йигирма фоизи уйқу билан боғлиқ касалликларга чалинар экан. Уларнинг энг асосийси – бедорлик, тиббиёт тили билан айтганда инсомния. Бу хасталик қаттиқ ҳаяжонланиш, асабийлашиш, оғир ақлий меҳнат, тунги сменада ишлаш каби сабаблар туфайли келиб чиқади.

Уйқусизлик касалига чалинмаслик учун кун тартибига риоя қилинган ҳолда вақтида дам олиш, ухлаш ва туриш лозим. Шунингдек, электр магнит тўлқинларидан ҳам сақланиш муҳим. Чунки улар ички безларнинг меъёрда ишлашига халал беради. Телевизор ва компьютер олдида камроқ ўтиришга ҳаракат қилинг. Уйқу олдидан албатта, ётоқхонадаги электр асбобларини ўчиришни унутманг!

**Марям АҲМЕДОВА тайёрлади.**

## Мулоҳаза

# ҚАЛБ ГАВҲАРИ



Маънавият... Неча асрлардан бери кишиларнинг қон-қонига сингиб кетган тушунча. Унинг қирраларини гўдак тафаккурида, кексалар дуосида, ёшлар нигоҳида, қўйингки, барча жабҳаларда, ҳар бир қадамда кўриш мумкин. Маънавиятни қалб гавҳари десак муболаға бўлмайди.

Сизга маънавият нима, деб савол беришганми? Менга бундан 15-20 йил бурун шу саволни беришганда, маънавиятни бир сўз билан таърифлаш нақадар мушкуллигини ҳис қилган эдим.

Ахир қандай қилиб тор шим, калта юбка кийган ёшларни маънавиятимиз келажаги деб айтамиз?! Баъзилари Абдулла Қодирий билан Абдулла Қаҳҳорни бир киши деб билса, баъзилари бу саволга "донолик" қилиб, уларнинг қайси бири ёзувчи, қайси бири шоир бўлган экан дея ўй сурса?! Оғзида сақич билан ўсмир қизини койиётган она, унга кўчадан бери келмайсан, деб дакки беради-ю, ўзи уйдалик чоғида ҳам маржону тиллаларга беланиб юради. Онанинг наздида унинг бу юриши "маънавиятлик" намунаси-да!

Тўй-томошаларга ёш боласини ҳам эргаштириб келган келинчак даврадан чиқмай ўйнаётганда, унга қистирилаётган пуллар нима учун берилаётганига мурғак гўдак тасаввурида жавоб топиладимикин? Ёки бу ҳам маънавиятга чизгиларми? Ошналари билан "гап еяётган" йигит уч яшар ўғилчасига "манави амакиларингни бир сўкиб қўй" деганида, унинг маънавият кўчасидан ҳали-бери ўтмаслигига ишонмай иложимиз қанча?

Шуларни ўйлар эканман, қизларимизнинг сепига қўша-қўша тилла тақинчоғу қимматбаҳо мебеллар қилгандан кўра, яхши китобларни унинг бебаҳо мулки санаганимизда маънавиятнинг бир учқуни бўлармиди?

Кексайиб қолган бобосию момосини беҳурмат қилаётган ўсмирга "кексалар рўзғорнинг баракаси, уйнинг фариштаси бўлишади" дея тушунтирсак, маънавиятга бир қадар яқинлашган бўлармидик?! Балки ўзларини маънавиятли деб билган айрим ёшларимиз қўлларидан телефон тушмай, дўстлари билан тинмай мулоқот қилаётганда, суҳбатнинг бош мавзуси деб маънавиятни ўзича талқин этаётгандир.

Балки... Ҳа, айнан мана шу "балки" устида соатлаб бош қотирилса, маънавият соф имону чин диёнат инъикоси экани англашилар...

**Аллома АЗИЗОВА.**

# ҒАРОЙИБ ВАСИЯТЛАР

Энг бемаъни васиятномани марселлик этикдўз ёзган. Васиятномадаги 123 та сўздан 94 тасини ўқишга тил бормайди.

* * *

Энг қисқа васиятномани эса лондонлик бир банкир ёзган. Унинг васиятномаси қуйидагича: "Мен бутунлай синдим".

* * *

Энг узун васиятнома АҚШ асосчиларидан бири Томас Жефферсонга тегишли. Америка тарихи билан боғлиқ воқеаларни ўз ичига олган бу васиятномада меросхўрлар барча қулларни озод қилганларидан сўнгина меросни олишлари мумкинлиги баён этилган.

* * *

Тушуниш қийин бўлган васиятномани машҳур физик Нилс Борнинг лаборанти ёзган. Васиятномада махсус атама ва фразеологик иборалар шу даражада кўп бўлганки, уни ўқиш учун тилшуносларни чақиришга мажбур бўлишган.

* * *

Энг йирик миқдордаги пулни Генри Форд васият қилиб қолдирган. Васиятномага кўра, унинг 500 миллион доллар пули 4157 та ўқув ва хайрия муассасаларига ўтказилган.

* * *

Энг махфий васиятномани миллиардер Мишел Ротшилд қолдирган. Унда "меросимнинг қанчалигини ёзишни ва эълон қилишни мутлақо тақиқлайман" деган сўзлар бор. Шунинг учун миллиардер қанча пулни мерос қилиб қолдирганини номаълум.

* * *

Миллионер ва кинопродюсер Рожер Доркас эса ўзининг 65 миллион доллар маблағини Максимилян лақабли итига қолдирган. У итига инсон сифатида ҳужжат олган экан. Хотинига эса бор-йўғи бир цент теккан. Доркаснинг хотини ҳам анойилардан эмас экан. У Максимилянга турмушга чиққан ва ит ўлганидан сўнг унинг меросига эга бўлган.

**Марям АҲМЕДОВА тйёрлади.**

## Жиноятга жазо муқаррар

# ИМОН-ИНСОФ КЎЧАСИДАН ЎТМАГАНЛАР



Агар ер юзида мангу яшашга имконият берилганда кимлар буни кўпроқ хоҳлаган бўларди? Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Албатта, жиноятчилар, ҳаром луқма билан кун кўрувчилар бундай имтиёзнинг асосий харидорлари бўлишарди. Ахир ҳеч қийинчиликсиз, халқ тилида айтганда, бир хасни у жойдан бу жойга олиб қўймай, коймай яшовчилар шундай енгил ҳаётни хоҳлайдилар-да.

Аммо, ҳеч қачон бундай бўлмайди. Инсонга ҳаёт бир марта берилади. Қандай яшаб ўтиш, қай йўсинда ҳаёт кечириш эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Улуғбек Орифжонов бу ҳақиқатни ҳали англаб етмаган кўринади. Акс ҳолда гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланиб, инсонларни йўлдан оздирмасди.

Бугун бу бало ер юзида ўлат каби инсониятга таҳдид солаяпти. Миллионлаб кишилар унинг гирдобига илиниб, охир-оқибат йўқликка юз тутаяпти.

Гиёҳвандликнинг бу зайлда кенг ёйилишига Улуғбек Орифжонов каби ўз нафсининг қуллари сабаб бўлаяпти. Осон йўл билан бойлик орттириш, текин даромадга эга бўлиш илинжидаги бундай кимсалар бошқаларнинг ҳаётини барбод қилишдан тоймаяптилар, Натижада ҳар йили миллионлаб кишилар бу заҳри қотил дастидан ҳаётдан кўз юмаяпти, уларнинг ортида қолаётган қанча-қанча норасидалар етимлик азобига гирифтор бўлаяпти.

У. Орифжонов 2012 йилнинг 26 сентябрь куни пойтахтнинг Сирғали тумани 5-мавзедаги "Сирғали-бургер" ошхонаси олдида таниши З. Дўсматовга 1 миллион сўм эвазига 5 та зар қоғозга қадоқланган 3,42 грамм "героин" моддасини сотган. З. Дўстматов эса бу оғуни танишлари М. Мирзиёдов ва С. Холмирзаевларга сотаётган пайтда ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олинган. Маълум бўлишича, У. Орифжонов аввалдан гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланган ва уни истеъмол қилиб келган. Унга бундай моддаларни таниши Насиба исмли аёл етказиб турган. Кейинчалик Насиба Улуғбекни бекободлик Малика исмли аёл билан таништиради.

Шу зайлда Улуғбек билан Маликанинг ҳамкорликдаги тижоратлари авж олди. Келишувга кўра Малика Бекободдан ўтувчи темирйўл четидаги махфий жойга "героин"ни қўйиб кетар, Улуғбек уни олиб ўрнига келишилган пулни қолдирарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Темирйўл четидан 5 та зар қоғозга қадоқланган оғуларни олган Улуғбек 200 минг сўмни ўша жойда қолдириб, ортига қайтди. Воқеанинг бу ёғини З. Дўстматов шундай ҳикоя қилади:

– 2012 йилнинг июль ойидан буён гиёҳвандликка ўрганганман. Уни томиримга игна орқали юбораман. 2012 йил 26 сентябрь куни "Карвон" бозорида савдо қилаётган эдим. Шу пайт С. Холмирзаев ва М. Мирзиёдов қўнғироқ қилишиб, танишим Улуғбекдан "героин" олиб беришимни илтимос қилишди. Ўша кезлари ўзимда ҳам хумор кучайиб турганди. Улуғбекда бизга керак нарса борлигини билганимдан сўнг, Сирғали туманидаги "Сирғали бургер" олдида учрашишга келишдик. Танишларим С. Холмирзаев ва М. Мирзиёдовлар билан ўша жойга бордик. С. Холмирзаев 200 минг, М. Мирзиёдов 400 минг сўм пул беришди. Ўзим ҳам 400 минг сўм қўшиб, Улуғбекка шунга лойиқ "героин" олиб чиқишини айтдим. Ошхона ортида яширинча учрашиб, ундан 5 та зар қоғозга қадоқланган гиёҳвандлик моддаларини олдим. Шерикларимнинг олдига қайтганимда эса бизни орган ходимлари қўлга олишди.

Бу жиноят ишини Тошкент шаҳар Сирғали туман суди кўриб чиқди ва қонунчиликда белгиланган тамойиллар асосида жазо тайинланди.

Яхшики, ҳаётда белгиланган қонун-қоидалар, инсоф, виждон дея аталмиш соф инсоний тушунчалар бор. Акс ҳолда бундай кимсалар гиёҳвандлик ўчоғига ўтин қалайвериб, миллионлаб иродаси суст одамларни ўтда куйдиравералилар.

**Юнус ХЎЖАЕВ.**


### ЭЪЛОНЛАР

ООО "RUDOLF KISSINGER" (ИНН 301173092), зарегистрированное ИРСП при хокимияте Яккасарайского района г. Ташкента за реестровым № 004527-11 от 05.05.2009 года **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Усмана Насыра, 2 вагонный проезд, дом-1.

Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2007 йил 31 июлда 003134-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "DDMAX TRANS SERVIS" (ИНН 300527134) хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилишини маълум қилади.

Даъволар Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарҳод кўчаси, 21-А уй манзили бўйича қабул қилинади.

Каттақўрғон шаҳар ТСРЎИ томонидан 2009 йил 2 апрелда реестр рақами 24, № 17 билан рўйхатга олинган "TRANS FOOD KONSALTING" (ИНН 301124191) МЧЖнинг номланиши "KENT FOOD" МЧЖга таъсисчининг қарорига асосан ўзгартирилишини маълум қилади.

Даъволар 548-02-27 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Ҳамза туманида рўйхатга олинган "DOKTOR PLUS KAPITAL" МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор тумани инспекцияси томонидан 2010 йил 26 апрелда 005971-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ASKANIO GROUP" МЧЖ ва Чилонзор тумани инспекцияси томонидан 2012 йил 26 апрелда 004421-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "AVAN MEBEL" МЧЖ норентабеллиги сабабли **ТУГАТИЛАДИ.**

Тошкент вилояти, Қибрай тумани ҳокимлиги томонидан 03.04.2012 йилда 3098 гувоҳнома рақами билан рўйхатдан ўтган "MIRISHKOR BAXROM YUSUPOV" (ИНН 302257334) ХФ ташкилий-ҳуқуқий шакли "MIRISHKOR BAXROM YUSUPOV" МЧЖга ўзгартирилишини маълум қилади. "MIRISHKOR BAXROM YUSUPOV" МЧЖ "MIRISHKOR BAXROM YUSUPOV" ХФнинг барча турдаги мажбуриятлари юзасидан ҳуқуқий ворисн ҳисобланади.

Даъво ва аризалар 199-10-68 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ООО "ORIENT EXPO" (ИНН 302619777) Алмазарского района, г. Ташкента сообщает об уменьшение уставного фонда с 300 000 000 сум до 204 000 000 сум.

Мирзо Улуғбек тумани Транспорт касб-ҳунар коллежи томонидан 2012 йилда 686 рақами билан рўйхатга олинган Хўжаева Шохсанам Нимаджон қизи номига берилган К № 0181284 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**





# БОЛГАРИЯДА СИЁСИЙ ИНҚИРОЗ

**Болгария бош вазири Пламен Орешарский медиамагнат (кенг кўламдаги оммавий ахборот воситалари эгаси) Делян Пеерский Давлат миллий хавфсизлик агентлиги раиси этиб тайинлангани учун узр сўради, деб ёзади BBC News.**



Ҳукумат бошлиғи ушбу номзодни ўзи тавсия этган эди ва унинг ўзи бу қарори хато эканини тан олди. Болгария парламенти Пеерскийни янги лавозимидан бўшатиш тўғрисида якдиллик билан овоз берди.

Reuters агентлигининг маълум қилишича, Пеерскийни лавозимидан бўшатишдан мақсад унга қарши бошланган кўпмингсонли норозилик намойишларини тўхтатишдир. Танқидчиларнинг фикрига кўра, Пеерский махсус хизмат соҳасида ҳеч қандай иш тажрибасига эга эмас. Бундан ташқари, у янги лавозимда ишласа, онасига тегишли йирик медиахолдинг манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин.

Euronews портали хабарида келтирилишича, София кўчаларига 7 мингдан зиёд намойишчи чиқиб, Пеерскийни лавозимидан бўшатишдан ташқари, мамлакат ҳукумати истеъфога чиқишини ҳам талаб қилдилар. Ҳолбуки, социалистлар вакили бўлган Орешарский ҳукумати иш бошлаганига эндигина уч ҳафта бўлган эди.

Умуман, кейинги ярим йил давомида Болгария бир неча бор сиёсий инқирозларга тўқнаш келди. Жумладан, февраль ойида Борисов бошлиқ ҳукуматнинг истеъфога чиқишига сабабчи бўлган кўпминг кишилик норозилик акцияси туфайли муддатидан илгари сайловлар ўтказишга тўғри келганди.

# НАМОЙИШЛАР ДАВОМ ЭТАЯПТИ

**Амалдаги ҳукуматни танқид қилиб, бош вазир Режеп Таип Эрдоганнинг истеъфога чиқишини талаб қилаётган намойишчилар янги-янги шартларни илгари сурмоқдалар. Жумладан, намойишчиларнинг айримлари якка тартибда бир жойда 8 соат давомида қимирламай, тик оёқда туриш усулини қўллашаяпти.**



"Яккахон" норозиликни маҳаллий рассом Эрдем Гюндюз бошлаб берган эди. У Истамбулдаги Таксим майдонида саккиз соат давомида қилт этмай турди. Кейинчалик бутун мамлакат бўйлаб қатор шаҳарларда намойишчилар ундан ўрнак олишди.

Баъзи маълумотларга қараганда, норозилик акциялари давомида 3 мингдан зиёд намойишчи қўлга олинди. Мухолифатчи ва полиция ходимлари тўқнашувлари жараёнида 7,5 мингдан зиёд киши жабрланди, кам деганда 4 киши (уч намойишчи ва бир полициячи) ҳалок бўлди. Бундан ташқари, ҳукумат кўздан ёш оқизувчи газ ҳаддан зиёд қўлланилгани оқибатида ҳалок бўлган бешинчи қурбон билан боғлиқ вазиятни тадқиқ этмоқда.

# ЎЗГА САЙЁРАЛИКДАН ФАРЗАНДИ БОР

**Буюк Британиянинг Лейборислар партияси аъзоси, шаҳар кенгаши вакили Уитби Саймон Паркс ўзга сайёралик аёлдан фарзанди борлигини тан олди.**



53 ёшли сиёсатчининг сўзларига қараганда, ушбу фарзандининг исми Зарка. Аммо у қачон фарзандли бўлганини аниқ айтмади. Унинг ҳикоя қилишича, ўзга сайёралик аёл йилига тўрт марта учар ликобчада ерга яқинлашиб, уни маълум муддатга олиб кетар экан. Қизиғи шундаки, бу ҳол қандай содир бўлиши тўғрисидаги саволга қандай жавоб беришни ўзи ҳам билмайди.

Яқинда Паркс бу воқеадан ҳақиқий рафиқаси хабар топганини тан олди. Айтишича, уч фарзандлари ҳам бор экан. Бу ғайриодатий ҳол сиёсатчининг рафиқасини қаттиқ ранжитган, аммо Парксниннг ўзи бу жиддий оқибатларга олиб келмаслигига ишонади.

Саймон Парксниннг гаплари рост бўлса, унга ўхшаган кишилар оз эмас, бироқ улар ўзларининг ўзга сайёраликлар билан алоқаларини ошкор қилишни истамайдилар. Сабаби, обрў-нуфузларига доғ тушишидан қўрқишади.

# "АҚЛЛИ" КЎЗОЙНАК

**Япония миллий ахборот институти мутахассислари дунёда биринчи бўлиб, ғалати кўзойнак ихтиро қилдилар. У шахсларни видеокамера ва махсус дастурий таъминот ёрдамида таниб олишни қийинлаштиради.**



Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, янги кўзойнак ташқи кўринишидан қуёшдан ҳимояланувчи кўзойнаклардан фарқ қилмайди. Бироқ, олимлар унинг гардишига 11 та инфрақизил нурдиод ўрнатишган. Улар таратадиган ёруғлик оддий инсон кўзига кўринмайди. Лекин видеокамерага тушириладиган кадрларни чаплаштириш имконини беради.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Тошкент вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси Ёшлар телеканалининг Тошкент вилояти бўйича ўз мухбири Мавжуда Мирзаевага падари бузруквори

**Аҳмаджон ПАРПИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: **Тошкент вилояти ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**e-mail:** th.tp@mail.ru

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Бекзод ҲИДОЯТОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 7426. Адади 13 977. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.30.